

## "Ҳадис ва Ҳаёт" силсиласининг 35-жузи



05:00 / 02.02.2015 2949

### **"Ҳадис ва Ҳаёт" силсиласининг 35-жузи**

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Ҳадис ва Ҳаёт» туркумининг «Зикр, дуолар, истиффор ва тавба» деб номланган 35-жузи қайта нашр этилди.

Туркумининг ушбу жузи дийнимизнинг энг гўзал, энг нозик жиҳатларига – Аллоҳ таолонинг зикрига, У Зотга дуо қилиш, гуноҳларга истиффор айтиш ва улардан тавба қилишга бағишланган. Ушбу китобни ўқиб зикр, дуо, истиффор ва тавбанинг моҳияти, ҳикматлари, одоблари ва тартиб-

қоидаларини ўрганасиз. Шунингдек, зикрнинг маълум лафзларни кўзни юмиб олиб такрорлашдан кўра улкан нарса эканлигини, дуо ҳам оят ёки ҳадисда келган ибораларни ёки ўзи тўқиган сўров маъносидаги сўзларни икки қўлни кўтариб талаффуз қилишдан кўра умуман бошқа бир ҳол эканини, истиффорнинг фойдалари жуда кўп эканини ва тавбанинг ҳақиқати нимадан иборатлигини ҳам билиб оласиз.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: Ҳадис ва Ҳаёт. 35-жуз. Зикр, дуолар, истиффор ва тавба китоби

Нашриёт: «Шарқ» НМАК

Сана: 2012 йил

Ҳажми: 360 бет

Ўлчами: 84×108/32

ISBN: 978-9943-00-825-0

Нархи: 8000 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 97 -сонли тавсияси ила чоп этилган

Ушбу китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар олишингиз мумкин:

Зикр ва зокирлар фазли ҳақида.

Аллоҳнинг гўзал исмлари

Исмул Аъзам

Тасбеҳ, ҳамд, такбир ва таҳлилнинг фазли

Тасбеҳни санаш ва тасбеҳнинг асли

«Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи» жаннатнинг хазиналаридандир

Намоздан кейинги зикр ва тасбеҳ

Намоздан кейинги жамоъий дуо

Жамоат ила дуо қилиш

Эрталаб ва кечқурунги тасбеҳ ва зикр

Хулоса. Зикрнинг фойда ва самаралари

Зикрнинг сийғалари

Зокирнинг одоблари

Дуо ҳақида. Дуонинг фазли

Дуо одоблари

Мақбул дуо

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига қилган дуолари

Жамловчи дуолар  
Паноҳ сўраш калималари ҳақида  
Махсус дуолар ҳақида. Мушкули борнинг дуоси  
Сафар ва ундан қайтиш дуоси  
Видолашув дуоси  
Ҳар бир манзилга тушиш дуоси  
Мажлисдан туриш дуоси  
Хўроз қичқирганда ва эшак ҳанграганда айтиладиган қавл  
Уйдан чиқиш ва унга кириш дуоси  
Ёмғир, шамол ва момақалдирокдаги дуо  
Ҳилолни кўргандаги дуо  
Мева нишонасини кўргандаги дуо  
Кўрқинч ва уйқусизликни ман қилувчи дуо.  
Қарзни узиш дуоси  
Балога учраганни кўргандаги дуо  
Беморнинг дуоси  
Бозорга киришдаги дуо  
Ёд олиш дуоси  
Дуонинг одоблари  
Набий алайҳиссаломга саловот  
Истиффор ва тавба ҳақида  
Тавба ва унинг фазли  
Тавбанинг вақти  
Гар бандаси исроф қилган бўлса ҳам Аллоҳ тавбасини қабул қилур  
Тавбанинг ҳақиқати  
Тавба умр бўйи  
Тавба қиссалари  
Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳунинг тавбаси.  
Иброҳим ибн Адҳамнинг тавбаси  
Фузайл ибн Иёзнинг тавбаси  
Маҳзунлик сафари  
Куфада  
Аллоҳ таолонинг раҳматининг кенглиги ҳақида